



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO'MITASI RAISING**

BUYRUG'I

«13» 06 2023 yil

№ 46-ч/з

Toshkent sh.

**Ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда
бошқа лавозимга ўтказишда комиссия
таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармонида мувофиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимларига очик танловни ўтказишда шаффофликни ошириш ва инсон омилини қисқартириш ҳамда ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни жой-жойига қўйиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппаратида ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, тизимдаги ташкилотларда вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги тартиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишлар бошқармаси (У.Исматов) ва Ахборот коммуникация ва технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими (Р.Якубов) доимий равишда кўмита марказий аппарати биносида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш мақсадида танлов босқичлари юқори савияда ташкил этилиши учун тўғридан-тўғри интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатиш ҳамда қайд этиб бориш имкониятига эга бўлган жиҳозларни ўрнатилишини таъминласин.

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш органлари ва муассасалари раҳбарлари:

3 кун муддатда ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш бўйича комиссия таркибини шакллантирсин ҳамда тасдиқласин;

танлов ўтказиладиган аудиторияларни интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва уларнинг доимий ишлашини таъминлаш;

ташкилот ва муассасаларнинг расмий веб-сайтларини узлуксиз ишлашини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Қўмитанинг 2021 йил 7 январдаги 7 и/ч-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ишлар бошқармаси (У.Исмамов) ушбу буйруқни қўмита тизимида қириқчи барча ташкилотларга етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижросини муҳокама қилиб бориш Раис ўринбосарлари Ш.Джаббаров ва А.Акбаров зиммасига юклатилсин.

Асос: Ўзбекистан Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг 2023 йил 5 июндаги BW45588616-сонли хати.

Раис



Б.Норқобилов

**Ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бошқа лавозимга ўтказишда
танлов асосида саралаб олиш бўйича комиссия**

ТАРКИБИ

Джаббаров Шухрат Абдумажидович	-	Раиснинг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
Акбаров Аббар Акмалович	-	Раис ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
Атамурадова Фируза Гайратовна	-	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси, комиссия котиби
АЪЗОЛАР:		
Турсагатов Жаҳонгир Маматович	-	Фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бўлими бошлиғи
Болтаев Абдурасул Эшкабирович	-	Давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи
Абидов Зиявиддин Нуриддинович	-	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи
Хуррамов Ғайрат Очилович	-	Ахборот таҳлил ва ижро назорати бўлими бошлиғи
Ташкулов Акмал Джўрабаевич	-	Юридик таъминлаш бўлими бошлиғи

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.

** Комиссия таркибига танлов ўтказиладиган бўш бўлган лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари киритилади.*

** Раис ёки комиссиянинг розилиги билан комиссия таркибига мазкур комиссия аъзолари ўрнига ёки қўшимча равишда номзодларни фаолият йўналишларини мувофиқлаштирувчи Қўмитанинг бошқа таркибий бўлинмалари мутахассислари жалб этилиши мумкин.*

** Комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.*

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимида
Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун танлов
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талаблари асосида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур асосида талабгор фуқаролар ва тизимда фаолият юритаётган ходимларининг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари қуйидаги лавозимларга татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ёки улар билан келишиладиган лавозимлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса;

техник ва хизмат кўрсатувчи тоифадаги лавозимлар.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

вакант лавозим — Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрида мавжуд эгалланмаган лавозим;

номзод — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали”да (vacancy.argos.uz) (кейинги ўринларда — Портал) вакант лавозимни эгаллаш бўйича номзод сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

4. Танлов меритократия, очиқлик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилади.

2-боб. Танлов турлари

5. Вакант лавозимларини эгаллаш Портал орқали ўтказиладиган ички ва ташқи танловлар асосида амалга оширилади.

Ички танловларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимида фаолият юритаётган давлат фуқаролик хизматчилари, ташқи танловларда эса тегишли малака талабига жавоб берадиган барча номзодлар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Ички танловлар вакант лавозим вужудга келган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида эълон қилинади.

Ички танловлар натижасида танлов ғолиби аниқланмаган ёки вакант лавозим вужудга келган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида ички танлов эълон қилинмаган тақдирда, ушбу вакант лавозим бўйича ташқи танлов эълон қилинади.

Битта вакант лавозим учун бир мартадан ортиқ ички танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

Қўмита тизимидаги бошланғич лавозимларни эгаллаш фақат ташқи танловлар асосида амалга оширилади.

3-боб. Танловни ташкил қилиш

7. Порталдаги вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар асосида шаклланади.

Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар Порталга жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

8. Танлов қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади:

биринчи босқич – танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;

иккинчи босқич – номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш;

учинчи босқич – номзодларнинг билимини тест синовидан ўтказиш;

тўртинчи босқич – номзодлар билан суҳбат ўтказиш.

Танловларда номзодлар сони уч нафар ва ундан кам бўлган ҳолларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи томонидан танловнинг учинчи босқичи ўтказилмаслиги мумкин.

9. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон Порталда, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларида жойлаштирилади.

Мазкур эълон даврий нашрларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

ўтказилаётган танлов тури;

вакант лавозим номи ва унга қўйиладиган малака талаблари;

лавозим мажбуриятлари;

, лавозим маоши;

меҳнат шароитларига оид маълумотлар.

Лавозимларнинг айрим тоифалари учун қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда, эълонга бу ҳақда маълумот киритилади.

10. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб беш календарь кунни ташкил қилади. Ташқи танловлар бўйича ҳужжатларни қабул қилиш муддати ўн календарь кунгача узайтирилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар келиб тушмаган тақдирда, ушбу лавозим бўйича қайта танлов автоматик тарзда эълон қилиниб, ҳужжатларни қабул қилиш муддати беш календарь кунга узайтирилади.

Танловнинг барча босқичлари танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб йигирма иш куни мобайнида ўтказилиши лозим.

11. Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар фақат Портал орқали электрон тарзда қабул қилинади. Номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ҳамда юбориш ман этилади.

12. Номзодга бир вақтнинг ўзида ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг биттадан ортиқ бўлмаган вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

13. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича танлов натижасига таъсир қиладиган ёлғон маълумотлар (ҳужжатда йўл қўйилган техник хатолик ёки бошқа камчиликлар бундан мустасно) тақдим этилганлиги аниқланиши уларни танловдан четлатиш ёки танлов натижаларини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

14. Танловда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида белгиланган давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин бўлмаган шахслардан бошқа барча шахслар иштирок этиши мумкин.

15. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органида танловларни ўтказиш учун беш нафардан етти нафаргача аъзодан, туман (шаҳар) даражадаги давлат органида эса уч нафардан беш нафаргача аъзодан иборат Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда – Танлов комиссияси) тузилади.

Танлов комиссиясининг таркиби Қўмита раиси ҳамда ветеринария ва

чорвачиликни ривожлантириш давлат органи раҳбари қарори билан тасдиқланади.

Танлов ўтказилаётган ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) Танлов комиссиясининг раиси ҳисобланади.

• Танлов комиссияси таркибига қоида тариқасида:

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг вакант лавозимига танлов эълон қилинган таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси раҳбари (ходими);

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг юридик хизмати раҳбари (ходими) киритилади.

Қонунчилик ҳужжатларида лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш белгиланган бўлса, Танлов комиссияси таркибига мазкур вазирлик ёки идоранинг масъул вакили ҳам киритилади.

Танлов комиссияси таркибига давлат органлари, таълим муассасалари ҳамда вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи ҳамда Агентлик томонидан доимий равишда Танлов комиссия аъзоларининг малакаси ошириб борилади.

Танлов ўтказилиши давомида танлов қоидаларини бузган ҳамда қарор қабул қилишда ҳолисликни таъминлай олмаган Танлов комиссияси аъзоси Агентлик томонидан комиссия таркибидан чиқариб юборилиши мумкин.

16. Танлов комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошқоралик, ҳолислик, адолатлилик, қонунийлик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

17. Танлов ўтказилаётган Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси танлов комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда – ишчи орган) ҳисобланади.

4-боб. Танловда иштирок этиш учун номзодларни саралаш

18. Танлов унда иштирок этиш учун битта номзоднинг ҳужжати келиб тушган тақдирда ҳам ўтказилади.

19. Танлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан уч иш куни ичида номзодларнинг вакант лавозим учун белгиланган малака талабларига мослигини ўрганиб чиқади ва ушбу муддат ичида ишчи орган томонидан ўрганиш натижаси бўйича номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига хабар юборади.

Номзод малака талабларига мос эмас деб топилган тақдирда, Порталдаги шахсий кабинетга юбориладиган хабарда унинг асослари кўрсатилади.

Ишчи орган танлов босқичлари ўтказилиши бўйича маълумотларни номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига танлов босқичлари ўтказилиши бошланишидан камида йигирма тўрт соат олдин юборилишини таъминлайди.

20. Танлов ўтказишда ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи босқичлар видеоёзув орқали ёзиб олинади ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи томонидан олти ой давомида сақланади.

21. Номзодлар танлов босқичлари натижалари ва ўтказилиши бўйича маълумотларни Порталдаги шахсий кабинети орқали кузатиб боради.

Танлов босқичлари ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда Порталдаги шахсий кабинет орқали хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар танловдан четлаштирилади.

5-боб. Тест синовларини ўтказиш

22. Тест синовлари номзодларнинг билим ва малакасини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Давлат хизматининг ягона электрон-ахборот таҳлил тизимидаги “Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули” – махсус тест тизими орқали ўтказилади.

23. Тест синовлари давлат тилида ўтказилади.

24. Тест синовлари ишчи орган томонидан ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи ёки Агентликнинг махсус жиҳозланган хонасида ўтказилади.

25. Тест синовларини ўтказиш жараёнида номзодларга қуйидагилар тақиқланади:

алоқа ва телекоммуникация воситалари (телефон, компьютер, планшет ва бошқалар), китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш;

тест синовлари тугамасдан хонадан ташқарига чиқиш.

Мазкур талабларни бузган номзод ишчи орган томонидан далолатнома тузилган ҳолда танловдан четлаштирилади.

26. Номзод томонидан тест синовлари натижасида камида 56 балл тўпланиши, унинг танловнинг кейинги босқичига ўтиши учун асос бўлади.

27. Тест синовлари натижалари автоматик равишда номзоднинг Порталдаги шахсий кабинетига юборилади.

28. Тест синовларини ижобий топшира олмаган номзодлар ушбу Низомда белгиланган тартибда эълон қилинган янги танловда қатнашиши мумкин.

6-боб. Сухбат ўтказиш

29. Сухбат номзоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Сухбат интервью усулида амалга оширилади.

30. Сухбат Танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Сухбатда Танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Агар танлов комиссияси аъзоси сухбатдан ўтаётган шахснинг яқин қариндоши бўлса ёки сухбат натижасидан бевосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, аъзо ўзини ўзи рад этиши шарт. Мазкур тартибга риоя қилмаслик танлов натижаларини бекор қилишга асос бўлади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи томонидан айрим ҳолларда (давлат органини ташкил этиш, қайта ташкил этиш) танловнинг сухбат босқичини ўтказиш бўйича Агентлик билан келишилган ҳолда Махсус комиссия тузилиши мумкин.

31. Қонунчилик ҳужжатларида лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш белгиланган лавозимлар бўйича Танлов комиссияси таркибига масъул вакили киритилган вазирлик ёки идора Ишчи орган томонидан сухбат ўтказиладиган кундан камида уч иш куни олдин хабардор қилиниши шарт.

32. Сухбатнинг интервью усулида ҳар бир номзодга соҳа бўйича билим савияси, шахсий ва касбий компетенцияси, умумий дунёқараши ҳамда вакант лавозим учун мослигини аниқлашга қаратилган бешта савол (топширик) тасодифий танлаш (автоматик генерация) орқали берилади. Асосий саволлардан сўнг берилган жавобларни аниқлаштириш мақсадида кўпи билан бешта қўшимча савол бериши мумкин.

33. Номзодларни баҳолаш учун ҳар бир Танлов комиссияси аъзосига Порталда шахсий кабинет очилади.

Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир номзод шу куннинг ўзида Порталдаги шахсий кабинети орқали онлайн тарзда номзодларни тўртта йўналишда (билим савияси, шахсий ва касбий компетенцияси, умумий дунёқараши, вакант лавозим учун мослиги) 100 баллик тизим асосида баҳолайди.

34. Сухбат якунлари бўйича Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга қўйилган балларни автоматик равишда умумлаштирилиб, якуний балл ҳисобланади.

Сухбат натижасига кўра энг юқори якуний балл тўплаган номзод танлов

ғолиби деб топилиб, Танлов комиссияси баённомаси билан тасдиқланади.

Мазкур Низомнинг 15-банди саккизинчи хатбошисида назарда тутилган масъул вакил томонидан суҳбат учун қўйилган ўртача балл 56 баллдан паст бўлган тақдирда номзод танлов ғолиби деб топилиши мумкин эмас.

Номзодларнинг баллари тенг бўлган тақдирда Танлов комиссияси раисининг хулосасига асосланиб якуний қарор қабул қилинади.

Танлов ғолиби ўз аризасига кўра меҳнат шартномасини тузишдан бош тортган тақдирда, Танлов комиссияси хулосасига асосан ҳисобланган баллга кўра навбатдаги ўринни эгаллаган номзод танлов ғолиби деб топилиши мумкин.

Танлов натижасида номзодлар 56 баллдан паст бўлган якуний балл тўплаган тақдирда, танлов ғолиби топилмаган деб ҳисобланиб, танлов қайтадан эълон қилинади.

35. Агентлик суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

Агентликнинг вакили суҳбат ўтказиш жараёни танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига мос келиши, шунингдек, танлов комиссиясининг ҳолис қарор қабул қилиши бўйича назорат олиб боради.

36. Номзодлар танлов комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда танлов натижалари бўйича комиссия қарори устидан юқори турувчи органга, Агентликка ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

37. Танлов ғолиби аниқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органи раҳбари танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузади.

Ишчи орган томонидан бир кунлик муддатда Танлов комиссиясининг баённомаси ва танлов ғолиби билан тузилган меҳнат шартномаси Порталга жойлаштирилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

38. Танлов ўтказиш жараёнида ушбу Низом қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Агентлик тегишли давлат органи раҳбарига аниқланган қонунчилик бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва танлов комиссиясининг қарорини бекор қилиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

39. Танлов комиссиясининг аъзолари ҳамда танлов жараёни иштирокчилари томонидан танлов давомида номзодлар тўғрисида олинган шахсий маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади.

40. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.